

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2018 йил 13 март, № 49 (7007) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


**Тақдимот**

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси матни қирғиз тилига таржима қилинди

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасининг тўлиқ матни Бишкек шаҳрида қирғиз тилида китоб шаклида чоп этилди.**

Унинг тақдимоти яқинда Ўзбекистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллигига бағишланган "Қирғизистон — Ўзбекистон ҳамкорлиги ривожланишининг янги уфқлари" мавзуидаги илмий-амалий конференция доирасида бўлиб ўтди.

Конференцияда Қирғизистон ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Динара Кемелова бошчилигидаги ТИВ вакиллари, Фавқулодда ва мухтор элчилар, ТИВ дипломатик академияси, Стратегик тадқиқотлар миллий институти, "Манас" қирғиз-турк университети, Қирғизистон миллий университети, Қирғизистон давлат университети, Қирғизистон халқаро университети раҳбарлари ҳамда профессор-ўқитувчилар қатнашди.




Тадбирда видеоконференцалоқа орқали Ўш давлат университети раҳбарияти, ўқитувчилари ва халқаро алоқалар факультети талабалари ҳам фаол иштирок этди.

Конференцияда сўзга чиққан Дипломатик академия профессори, элчи Ирина Оролбаеванинг айтишича, Ўзбекистон Президенти Мурожаатномасининг матни қирғиз тилида чоп қилиниши Қирғизистон жамоатчилигига қўшни мамлакатнинг муҳим сиёсий ҳужжатини ўз она тилида ўрганиш имконини беради.

— Мурожаатномани диққат билан ўрганиб, мен Қирғизистон ва Ўзбекистонда ривожланиш учун бир йўл мавжуд деган хулосага келдим, — деди элчи М. Оролбаева. — Шавкат Мирзиёевнинг кўплаб таклифлари Қирғизистон учун ҳам жуда долзарб. Китобни қизиқиб, мароқ билан ўқиб чиқдим.

**«Жаҳон» АА.**

**Президент ташрифидан сўнг...**

## ЭРИШИЛГАН КЕЛИШУВЛАР ИККИ МАМЛАКАТ ТАРИХИДА МУҲИМ ҚАДАМДИР

**Аввал хабар берилганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмоннинг таклифига биноан 9-10 март кунлари давлат ташрифи билан Душанбе шаҳрида бўлди.**

*Давлатимиз раҳбарининг Тожикистонга давлат ташрифи кутилганидан ҳам самарали бўлди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда, ҳал қилинмаган масала қолмади. Дарҳақиқат, музокаралар якунида икки мамлакат раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси билан Тожикистон Республикаси ўртасида Дўстлик ва яхши қўшниликни мустаҳкамлаш тўғрисидаги Қўшма баёнот, Ўзбекистон — Тожикистон давлат чегарасининг алоҳида участкалари тўғрисидаги шартномани имзоладилар. Бундан ташқари, савдо, иқтисодиёт, инвестиция, молия, транспорт ва транзит, қишлоқ хўжалиги, сув-энергетика, солиқ, божхона, туризм, фан-таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, хавфсизлик ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳаларидаги ҳамкорлик ҳамда ҳудудлараро алоқаларни ривожлантиришга доир 27 ҳужжат имзоланди.*

*ЎзА мухбири эришилган келишувлар натижаси ҳақида Ўзбекистон делегацияси аъзоларининг фикрлари билан қизиқди:*

**Ачилбой РАМАТОВ, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси:**

— Тожикистон Республикаси ҳудудий жойлашувига биноан мамлакатимизга чегара давлат ҳисобланади. Шундай экан, темир йўл ва автомобиль йўлларимиз бир-бири билан боғлиқ. Яъни қўшни давлатнинг асосий юклари Ўзбекистон ҳудуди орқали ўтади. Сўнгги йилларда Тожикистон томонининг юклари Ўзбекистон ҳудудидан айланиб ўтар эди. Давлатимиз раҳбарининг топшириғига кўра, янги қатновлар йўлга қўйилди. Бу борада қўшни мамлакатга ўзига хос чегирмалар тақдим қилдик ва бир тўхтамга келдик. Бу икки мамлакат иқтисодиётига катта фойда келтиради, деб ҳисоблаймиз.

Мамлакатларимиз ўртасида темир йўл қатновини йўлга қўйиш бўйича келишувга эришилган эди. Давлатимиз раҳбарининг ташрифи доирасида Ғалаба — Амузанг — Хошади темир йўл линияси очилди. Таҳлилларга кўра, бу йўлдан миллионлаб аҳоли фойдаланиши мумкин. Шундай экан, бу борадаги ишлар изчил давом эттирилади.

**Жамшид ХЎЖАЕВ, Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо вазири:**

— Ўзбекистон Президентининг Тожикистонга давлат ташрифи доирасида ташкил қилинган учрашувлар, мулоқотлар самимий ва ўзаро ишонч руҳида ўтди. Мисол учун, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кўргазмаси ва бизнес-форум натижасига кўра, 200 миллион доллардан ортиқ шартномалар имзоланди. Кўргазмада юртимизнинг 100 дан зиёд корхоналари ўзининг мингдан ортиқ маҳсулотлари билан иштирок этмоқда. Давлат раҳбарларининг учрашувида мамлакатларимиз ўртасидаги савдо айланмасини бир миллиард долларга етказиш бўйича аниқ вазифалар белгиланди.

(Давоми 2-бетда).

Хорижлик экспертлар:

## «Минтақадаги вазият Ўзбекистоннинг жадал сиёсати натижасида ижобий ўзгаришларга юз тутмоқда»

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Тожикистонга амалга оширган давлат ташрифи хорижда катта қизиқиш уйғотди. Чет эл сиёсий, ишбилармон ва эксперт-таҳлил доиралари Душанбеда бўлиб ўтган Ўзбекистон — Тожикистон музокараларини диққат билан кузатди. Қуйида хорижлик баъзи мутахассисларнинг фикр-мулоҳазаларини келтирамиз.*

**ЭЪТИРОФ**



**Кристиан ВЕБЕР, Бремен шаҳри ҳудудий парламенти президенти (Германия):**

— Шавкат Мирзиёев ҳокимиятга келиши билан Ўзбекистондаги вазият тезкор равишда ижобий томонга ўзгармоқда. Тошкент ўз ташқи сиёсий фаолиятини жадаллаштириб, айниқса, қўшнилар билан муносабатларда қисқа муддатда катта юксалишга эришди.

Ўзбекистон тўғри йўлда ҳаракатланмоқдаки, қўлга киритилаётган ижобий натижалар буни яққол исботлайди. Хусусан, Ўзбекистон раҳбарининг Тожикистонга давлат ташрифи тарихий воқеа бўлгани баробарида, икки томонлама муносабатларда янги имкониятларни очишига шубҳа йўқ.

Биз Президент Шавкат Мирзиёевнинг кучли ислоҳотчи ва узоқни кўра биладиган сиёсатчи эканига ишонч ҳосил қилаяпмиз. Унинг бошчилигида олиб борилаётган ислоҳотларни қўллаб-қувватлаймиз. Зеро, бу ташаббуслар минтақада тинчлик, осойишталик ҳамда тараққиётни таъминлашга хизмат қилади.



**Беате ЭШМЕНТ, Шарқий Европа ва халқаро тадқиқотлар маркази илмий ходими (Германия):**

— Эксперт доиралар Ўзбекистоннинг янгиланган ташқи сиёсати, айниқса, қўшнилар билан муносабатлардаги ўзгаришларни тўла қўллаб-қувватлашмоқда. Душанбеда бўлиб ўтган олий даражадаги Ўзбекистон — Тожикистон музокаралари, сўнгги йилларда Марказий Осиёда шаклланаётган вазиятни ҳисобга олган ҳолда, мен учун деярли мўъжиза бўлди. Бир неча йиллар аввал бундай воқеаларни ҳатто тасаввур ҳам этиб бўлмасди.

Ўзбекистон қўшни давлатлар билан яхши муносабатларни йўлга қўйиш бўйича ташаббусни ўз қўлига олиб, мавжуд муаммоларни ҳал қилиш учун чора-тадбирларни амалга ошираётгани эътиборга молик.

(Давоми 2-бетда).

**ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ**



## Ортиқча сарф-харажатларнинг олдини олиш — ҳаётий зарурат

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Республика "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ва "Нуроний" жамғармаси фаолларининг мамлакатимиз аҳолисига Мурожаатида илгари сурилган тўй-маъракаларни ихчам ўтказиш, дабдабозлик ҳамда исрофгарчиликка барҳам беришга оид масалалар кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, кейинги пайтларда тўйлар, оилавий тантаналар, марҳумлар хотирасига бағишланган тадбирларни ўтказишда ўзини кўз-кўз қилиш, ҳаддан зиёд исрофгарчиликка йўл қўйиш, атрофда яшаётган одамларнинг ҳол-аҳволини инобатга олмаслик, халқимизнинг урф-одатлари ва анъаналарини менсимаслик каби салбий иллатлар кўзга ташланмоқда. Ачинарлиси, тўй-ҳашамлар билан боғлиқ ортиқча сарф-харажатлар минглаб оилаларнинг моддий аҳволи ёмонлашувига, жамиятимиздаги маънавий муҳитнинг бузилишига олиб келаяпти.

Фракция аъзолари бу борадаги муаммоларни тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга татбиқ этиш орқали бартараф қилиш вақти келганини таъкидладилар. Айни чоғда тўй маросимларини ўтказишнинг қатъий меъёр ҳамда мезонларини белгилаш ва уни амалга ошириш юзасидан жамоатчилик назоратини ўрнатишнинг аниқ механизмларини йўлга қўйиш зарурлиги айтиб ўтилди. Бу эса, депутатларнинг фикрича, жамиятда ижтимоий адолат ҳамда ижтимоий тенглик тамойилларининг қарор топишига, аҳоли орасида кескин табақаланишнинг олди олинишига хизмат қилади.

Муҳокамаларда тўй-маъракаларни юксак маънавий мезонларга муносиб тарзда ўтказиш, белгиланган меъёрларга қатъий риоя этиш борасида жамоатчилик фикрини шакллантириш ва тарғибот, тушунтириш ишларининг самарадорлиги ҳамда таъсирчанлигини янада кучайтиришга ҳар бир депутат масъул эканлигига урғу берилди.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан депутатларнинг партия позициясидан келиб чиқадиган фикр-мулоҳазалари тингланди ва фракциянинг нуқтаи назари белгилаб олинди.

**Зиёда АШУРОВА.**

Янги рукн: **ИНСОН ҚАДРИ УЛУҒ**

## 1100 дан зиёд киши Ўзбекистон фуқароси бўлди



*Аслида, бир одам кўнглига йўл топишнинг ўзи мураккаб. Бутун халқ дарду ташвишларига малҳам бўлиш, орзу-умидларига қанот бағишлаш эса ниҳоятда қийин ва айни дамда жуда улуғвор иш. Ўзбекистон фуқаролигига қабул қилиш, чегара муносабатларини тартибга солиб, оға-ини, қардош-биродар бўлиб яшаган халқларнинг азалий муносабатларини қайта тиклаш, уйсизларга уй бериб, муҳтожларга мурувват кўрсатиш, давлат идораларини тўла-тўкис халқ учун хизмат қилдириш... Узоқ йиллар давомида ўз ечимини кутган бундай оғриқли муаммоларни ҳал этиш шунчалик осон, деб ўйлайсизми?! Табиийки, буларнинг барчаси — юксак ақл-идрок, донишмандлик, оқилона сиёсат, фидойилик ва матонат маҳсули.*

*Биз "Инсон қадри улуғ" рукни орқали одамларимиз ҳаётида муҳим бурилишлар ясаган ана шундай янгиланишлар мазмун-моҳияти, уларнинг оддий одамлар ҳаётидаги ифодасини туркум мақолаларимиз орқали ёритишни мақсад қилдик. Шулардан дастлабкисини бугун газетхонлар эътиборига ҳавола этаяпмиз.*

2 ➡

## Қўшни давлатлар муносабатларида янги саҳифа

*Ўзбекистон ва Тожикистон Марказий Осиёдаги бири-бирига чамбарчас боғланган, қариндошлик ришталари билан мустаҳкамланган, тўй-маросимлари ҳамда урф-одатлари ўхшаш мамлакатлардир.*

**ДЕПУТАТ ФИКРИ**

Бундан бир йил олдин Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ўз нутқларининг бирида "20 йиллик қалин муз эритилиши керак. Шундан сўнг конструктив қўшничилик муносабатларини тикласа бўлади. Бу осон иш эмас, бунинг учун муайян вақт талаб этилади", дея таъкидлаган эди. Дарҳақиқат, ўтган даврда давлатимиз раҳбарининг оқилона сиёсати туфайли икки мамлакат ўртасида йиллар давомида йиғилиб қолган гина-кудуратлар унутилиб, мавжуд муаммоларни биргаликда ҳал қилиш йўлида жадал ҳаракат бошланди.

(Давоми 2-бетда).

## Мирзо Улуғбек сув ичган пиёланинг сири нимада эди?

**Музейлар инсоният тараққиётининг турли босқичларини намоён қилувчи, тарихни ойнадек акс эттирувчи масканлардир. Бундай маънавият гўшаларига ташриф буюрган киши борки, мозийни сарҳадсиз сайр қилади, ўзи учун олам-олам маъно ва хулоса олади.**

**Ҳайрат**

Дунёнинг қайси чеккасидаги музейга борманг, Ўзбекистон тарихига оид экспонатлар энг ноёб ашёлар сифатида қадрланишига гувоҳ бўласиз. Жумладан, жаҳоннинг етакчи музейларидан бири бўлган Британия музейида ҳам ана шундай манзарага дуч келасиз.

Яқинда Лондонда қатор учрашув ҳамда музокаралар ўтказган Ўзбекистон делегацияси Британия музейига ташриф буюрди. Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш маркази, Тошкент ислом университетининг Исломшунослик илмий-тадқиқот маркази раҳбарларидан иборат делегацияни Британия музейи директори Ҳартвиг Фишер қабул қилди.



(Давоми 2-бетда).

# ЭРИШИЛГАН КЕЛИШУВЛАР ИККИ МАМЛАКАТ ТАРИХИДА МУҲИМ ҚАДАМДИР

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Энг муҳим жиҳати, Ўзбекистон ва Тожикистон вилоятлари ўртасида тўғридан-тўғри савдо алоқаларини йўлга қўйиш бўйича келишиб олинди. Бу мамлакатларимиз иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим қадам бўлиб хизмат қилади.

**Шавкат ҲАМРОЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазири:**

— Тожикистон билан Амударё ҳамда Сирдарё сувларидан фойдаланиб келмоқдамиз. Сув ресурсларидан фойдаланишда халқаро меъёрларга амал қилиш талаб этилади. Бундан ташқари, табиатнинг бу неъматидан самарали фойдаланиш керак. 9-10 март кунлари икки давлат тарихида муҳим кун бўлиб қолди. Чунки сув ва энергетика ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасида келишувга эришилди.

Шунингдек, гидроэлектр станциялари қуриш бўйича ҳам нуфузли комиссия тузишга келишиб олинди. Бу қарор нафақат икки мамлакат, балки бутун минтақа иқтисодиётининг ривожига салмоқли ҳисса қўшади. Янги қурилаётган гидроэлектр станцияси минтақанинг энергетикага бўлган талабини қондиради.

**Туроб ЖЎРАЕВ,**
**Самарқанд вилояти ҳокими:**

— Давлатимиз раҳбарининг Тожикистонга ташрифи тарихий аҳамият касб этди. Бу икки халқ ўртасидаги алоқаларнинг такомиллашишида муҳим қадам бўлди. Музокаралар якунига кўра, Тожикистон Республикасининг Суғд ва Ўзбекистоннинг Самарқанд вилоятлари ҳокимларига кенг имкониятлар яратиб берилди. Энди муносабатларда ортиқча расмиятчиликсиз, тўғридан-тўғри телефон орқали боғланиш, ўзларига маъқул бўлган вақтда икки томон ишбилармонлари ўртасида учрашувлар ўтказишга келишиб олинди. Бунинг амалий натижаси сифатида жорий йилнинг апрель ойида Тожикистон тадбиркорлари билан учрашув бўлиб ўтади.

Ташриф доирасида жуда кўп самарали келишувларга эришилди. Биргина мисол: эришилган келишувга кўра, энди фуқаролар мамлакатларда ўттиз кунгача визасиз юриш имкониятига эга бўлади. Бу икки халқ вакилларининг азалдан йўлга қўйилган қариндошлик ришталарини янада мустаҳкамлаш, қолаверса, туризмни ривожлантиришда муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

**Эркин ТУРДИМОВ,**
**Сурхондарё вилояти ҳокими:**

— Давлатимиз раҳбарининг Тожикистонга олий даражадаги давлат ташрифи тарихий аҳамиятга эга бўлди. Бу нафақат икки давлат ўртасида, балки Марказий Осиё миқёсида ҳам эътироф этилмоқда.

Савдо-иқтисодий соҳаларда икки давлат имкониятлари етарли даражада ривожланмай қолган эди. Мамлакатлар энди бу борада ҳам ўзининг ҳақиқий кўрсаткичларини намоён қилади. Мен ташриф давомида турли соҳаларда имкониятлар бўла туриб, алоқалар узилиб қолганининг гувоҳи бўлдим. Бу тарихий ташрифни икки халқ вакиллари ҳам интиқлик билан кутган эди. Ташриф доирасида икки халқ манфаатларига тўла жавоб берадиган келишувларга эришилди. Ғалаба — Амузанг — Хошади темир йўлининг очилиши муҳим воқеа бўлди. Сурхондарё вилояти Тожикистон билан чегара ҳудуд бўлганлиги учун бугундан бошлаб барча соҳада алоқаларни кенг миқёсда ривожлантирамиз.

**Ботир ЗАРИПОВ,**
**«Ўзқурилишматериаллари» АЖ бошқаруви раиси:**

— Маълумки, мамлакатимизда минерал хом ашё ресурсларидан самарали фойдаланган ҳолда юздан зиёд қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади. Тожикистон Республикасининг Душанбе шаҳрида бўлиб ўтаётган Ўзбекистон саноат маҳсулотлари кўргазмасида 50 дан ортиқ турдаги қурилиш материаллари билан иштирок этмоқдамиз. Ноёб қурилиш материаллари ҳисобланган гранит, мармар, габбро, травертин тошлари, деворбоп, томёпқич материаллар, базальт тошидан олинган арматуралар, қамиш ўсимлигидан ишланган ДСП каби маҳсулотларимиз тожикистонликларда катта қизиқиш уйғотди. Тожикистоннинг ўнлаб компания ва фирмалари бизнинг қурилиш материалларимизни олиш бўйича шартномалар имзолади.

**ЎзА мухбири**
**Абу Бакр ЎРОЗОВ**
**ёзиб олди.**

# 1100 дан зиёд киши Ўзбекистон фуқароси бўлди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

## Одамларни рози қилиш — энг муҳим талаб

"Инсоний вужуддан мақсад — бахт-саодатга эришувдир", деб ёзган эди Абу Наср Форобий. Шарқ Уйғониш даврининг буюк мутафаккири фикрича, фозил одамлар шаҳри аҳолиси айнан шундай тақдирга муносиб. Хўш, орадан 1100 йил ўтиб бу кўҳна ҳикмат ўз аҳамиятини йўқотдими? Албатта, йўқ!

Юртимизда кечаётган янгиланишлар моҳиятига теранроқ назар ташласак, улар авваламбор, инсон қадр-қимммати, шаъни, манфаатига хизмат қилаётганига амин бўламиз. Зеро, каттаю кичик раҳбарлар олдига қўйилган давр талаби битта: одамларни рози қилиш! Бунинг учун халқ орасига чуқурроқ кириб бориш лозим. Давлатимиз раҳбарининг қатъий даъвати — шу!

Ушбу жараёнда аёнлашадики, юртдошларимизни қийнаб келаётган кўплаб масалалар ечилмай қолаётган экан. Қаранг, астойдил киришилгани туфайли уларни самарали ҳал этиш йўллари кўзга ташланди. Халқ давлат идораларидан кўп ҳолларда мамнун. Чунки жамиятда адолат ва ҳақиқатни амалда таъминлаш устувор аҳамият касб этмоқда.

Давлатимиз раҳбари опа-сингилларимиз байрами кунидаги нутқида кўнгилларни беҳад шод айлаган эзгулик хусусида алоҳида тўхталиб ўтди: ўтган бир ярим йилга яқин вақт ичида мамлакатимизда яшаб келаётган, лекин фуқаролиги бўлмаган 1 минг 100 дан ортиқ шахслар Ўзбекистон фуқаролигини олди!

Шу ўринда чуқур мулоҳаза юритиб кўрайлик. Узоқ йиллар Ватан ичида "беватан" ҳаёт кечирган бундай қисмат эгалари ҳақида биз ниманларни биламиз? Улар ким? Қандай умр кечиришди?

## Тақдирларни ўзгартирган воқеа

Ўзбекистон Республикаси паспортининг охирги саҳифасини очамиз. Унинг муқоваси ички қисмида шундай ёзув бор: "Паспорт Ўзбекистон Республикаси мулкидир. Ушбу паспортнинг эгаси Ўзбекистон Республикаси ҳимоясидадир".

Табиийки, бу ҳужжат — миллионлаб ўзбекистонликларнинг чексиз ғурури! Чунки яшил муқовали паспортимиз, аввало, мамлакатимиз ҳудудида йўлимизни очиқ қиладиган "яшил чироқ"дек гап. Қолаверса, у хорижга чиқиш-кириш, сайлаш ҳамда сайланиш каби кўплаб ҳуқуқ ва эркинликларни тақдим қилади. Лекин ҳамма ҳам ана шу имкониятдан баҳрамандмиди? Афсуски, айни пайтгача минглаб азиз инсонлар тақдирида ватансизлик қисмати ёзилган эди.

Яхшиси, қувончли рақамларга мурожаат этайлик. Президентимиз Фармони чиққанидан буён биргина Хоразм вилоятида Ўзбекистон фуқаролигини олган шахслар сони роппа-роса 200 нафарга етди. Шулардан бири Урганч шаҳридаги "Inform-Algo" хусусий корхонаси бош муҳандиси Умед Жабборовдир.

> "Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишни кафолатлайди."
>
> **Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 22-моддаси.**

— Тожикистон Республикасида туғилган бўлсам-да, ота юртим — Ўзбекистон, — дейди у. — Шу сабабли дастлаб Душанбе политехника институти, кейин Москвада аспирантурани тамомлаб, 1996 йилда Урганч шаҳрига кўчиб келганмиз. Бугун оилам шу ерда! Бахтимни табаррук заминдан топдим. Ҳаётим ушбу мамлакат билан чамбарчас боғлиқ.

Онам Муаззам Арабова — олима аёл. Физика-математика фанлари номзоди, доцент. Ёшлар таълим-тарбиясига кўп меҳнатлари сингган. Урганч иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида ишлаган. Ҳозир нафақада. Ўзим-ку, майли, шундай фидойи инсон ҳам узоқ йиллар заҳмат чекиб яшади. Юрагини ҳамиша бир армон кемирди. "Ўзбекистон фуқаролигини олармиканман?!" деб 21 йил интиқ кутди. "Омад келса, қўшалоқ келади", дейишгани рост. Давлатимиз раҳбари омон бўлсинлар. Ўтган йили мен ва онам Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиндик. Энди ҳеч кимдан камимиз йўқ. Бошимизни баланд кўтариб яшасак арзийди. Президентимизнинг ўтган ҳафтадаги давлат ташрифини қаранг. Тожикистон билан чегаралар очилганидан қанчадан-қанча одамлар бахтиёр. Икки қардош халқ ўртасида борди-келди алоқалари тиклангани чинакам тарихий воқеа бўлди. Шундай иқбол пешонамизга битилганига беадад шукроналар айтамиз.

Бу оламда ҳатто қушнинг ҳам ўз ошёни бор. Ҳар гиёҳу кўчатнинг илдиз отган замини — унинг Ватани. Лекин тақдир тақозоси билан Ватанида бегонадек умр кечириш, одам бўлиб одамдек қадр топмаслик нақадар оғриқли?

— Наманган вилоятида туғилганман, — дейди Раънохон Ҳамидова. — "Қиз бола палаҳмон тоши", деганларидек, анча йиллар аввал қўшни давлатга келин бўлиб тушдим. Бир муддат ўша жойда истиқомат қилдик. Вақти-соати етиб, туғилиб-ўсган қишлоғимга қайтдик. Барча қатори яшасак-да, "Ўзбекистон фуқароси эмасман-а", деган ўйдан изтиробга тушардим. Бу, айниқса, сайловларда овоз бериш жараёнида қатнаша олмаганимда роса алам қилган.

Мана, ниҳоят ниятим рўёбга чиқди. Юртбошимиз Фармони билан Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилинган шахслар рўйхатида турмуш ўртоғим иккимизнинг исм-шарифимизни кўриб, кўзимизда севинч ёшлари қалқиди. Ўзбекистоннинг чинакам фуқаросига айландик. Энди барча ҳуқуқ ҳамда эркинликлардан тўлақонли фойдалана оламиз. Ҳозир тўрт нафар фарзандимиз билан Янгиқўрғон туманининг Мамай қишлоғида истиқомат қилаяпмиз. Фуқаролик мақомига эришиш турмушимизга гўзал мазмун киритди.



Жонибек ҚЎЗИМУРОДОВ ва Жамшид ЁРБЕКОВ (ЎзА) олган суратлар.

## Энди чекловларга ўрин йўқ

Салима Холдорова қўшни Қирғизистон Республикасининг Жалолобод вилоятида туғилган. Мактабни тамомлаб, 1987 — 1992 йилларда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида таҳсил олган. Ўзбек йигитига турмушга чиққан. Ҳозир Навоий кон-металлургия комбинати музейида ишлайди.

— Онам эллик беш ёшида, алпомишдай укам Иқболжон ўттиз уч ёшида бу ёруғ оламни тарк этди, — дейди Салима опа. — Шундан кейин отам букчайиб қолди. У кишининг ҳолидан хабар олай, дердим-у, фуқаролигим йўқлиги боис кўплаб тўсиқларга дуч келавердим. Устига-устак, чегаралар ёпиқ. Четга чиқиш учун қўшни давлатдан "таклифнома" келиши керак. Бу қанча оворагарчилигу сарсонлик эвазига қўлга киритилишини бошидан кечирган одам яхши билади. Давлат маҳкамаларида уч-тўрт ойлаб сарсону саргардон бўлиш осон эмас-да. "Таклифнома" қўлимга теккач, Тошкентга, Қирғизистон элчихонасига боришим, 100 — 150 АҚШ доллари тўлаб виза олишим керак бўларди. Ўзбекистон фуқароси бўлганимдан бошим осмонга етаётган бир пайтда юртимиз билан қўшни давлат ўртасида қадимий алоқалар, яқин муносабатлар тикланди. Паспортимни қўлимга олгач, отам, яқинларим дийдорига қийналмасдан етадиган кунлар менга насиб этди. Шундай бир ажойиб муҳит юзага келдики, чегарадан ўтказиш пунктларидаги инсонга бўлган муносабат, божхона ходимларининг эъзозли муомаласи, очиғи, йўлга чиққан одамга куч-қувват бераяпти, десам, муболаға эмас.

Отам ҳовлисига кириб келганим заҳоти бамисоли байрам иштирокчисига айландим. Қўни-қўшнилар тўпланишган экан. Шунда улар мени, мен эса уларни дилдан соғинганимни ҳис қилдим. Энди тўсиқ йўқ, оворагарчилик йўқ. Давлатимиз раҳбари дўстлик кўпригини шундай мустаҳкам ўрнатиб қўйдики, унинг икки томонидаги халқлар бир-бирларига талпинганни-талпинган. Айтишим керакки, фуқаролик паспортим қўлдан-қўлга ўтиб талаш бўлиб кетди.

Тўғриси, айбга йўйманг, ичимда "Ишқилиб гард тегиб қолмасинда", деб хавотирга тушдим. Дарров олдим-да, кўксимга босдим. Сабаби, у қадримни ифодаловчи бахтим, ҳаётим, эртанги куним, фахру ифтихорим!

**Фаррух БЎТАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Қўшни давлатлар муносабатларида янги саҳифа

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Қисқа фурсатда яхши қўшничилик ришталари анча мустаҳкамланди, ўртада конструктив ҳамкорлик муҳити юзага келди.

Икки давлат муносабатларида кузатилаётган ушбу ижобий ўзгаришлардан, энг аввало, оддий одамлар манфаат кўрмоқда. Айниқса, ўтган ҳафтада Ўзбекистон ва Тожикистон чегарасидаги бир қатор назорат постларининг қайта очилганини ўзбек ҳамда тожик жамоатчилиги, хусусан, чегараолди ҳудудда яшовчи аҳоли катта хурсандчилик билан кутиб олди. Шу билан бирга, иккала қўшни мамлакат ўртасидаги темир йўл ва авиақатновнинг тикланиши ҳам одамлар ҳаётига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Президентимизнинг Тожикистон Республикасига ўтган ҳафтада амалга оширган давлат ташрифи азалдан бир дарёдан сув ичган икки юрт ўртасида конструктив муносабатларни ўрнатиш йўлида бошланган ўзаро саъй-ҳаракатларни янада юқори поғонага олиб чиқди. Дўстона ҳамда самимий руҳда ўтган мулоқот ва учрашувларда сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар ҳамда бошқа соҳаларда кенг қамровли алоқаларни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш истиқболлари, шунингдек, минтақавий ҳамда халқаро аҳамиятга молик қатор масалалар атрофлича муҳокама этилди.

Тожик биродарларимизнинг Юртбошимизни самимий, дўстона кутиб олгани барчамизни ниҳоятда қувонтирди. Гарчи ёмғир ёғиб турган бўлса-да, минглаб тожикистонликлар олий мартабали меҳмонни кутиб олишга Душанбе кўчаларига чиққани нафақат Президентимизга, балки бутун ўзбек халқига кўрсатилган беқиёс ҳурматнинг амалдаги ифодасидир, десак, асло янглишмаймиз. Зеро, мустақил Тожикистон тарихида ҳали бирорбир мамлакат раҳбарига бунчалик даражада иззат-икром кўрсатилган эмас.

Айтиш ўринлики, икки томонлама музокаралар натижасида узоқ муддатли муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини янада ривожлантиришга қаратилган қатор ҳужжатлар имзоланди. Ушбу ҳужжатлар истиқболда мамлакатлар ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни ҳар томонлама тараққий топтириш йўлида муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Умуман айтганда, мазкур тарихий ташриф қўшни давлатлар муносабатларида янги саҳифа очди. Эндиги вазифамиз Юртбошимиз ташаббуси ва бевосита саъй-ҳаракатлари туфайли қайта жонланган ўзаро дўстлик алоқаларини, айниқса, парламентлараро муносабатларни янада мустаҳкамлаш, икки халқни бир-бирига бундан-да яқинлаштиришдан иборат. Зеро, ўзбек-тожик биродарлиги Марказий Осиёда яхши қўшничилик, тинчлик, хавфсизлик ҳамда барқарор тараққиётнинг муҳим омили ҳисобланади.

**Қодир ЖЎРАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси аъзоси, Тожикистон парламенти билан ҳамкорлик бўйича гуруҳ аъзоси.**

# Хорижлик экспертлар: «Минтақадаги вазият Ўзбекистоннинг жадал сиёсати натижасида ижобий ўзгаришларга юз тутмоқда»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Масалан, узоқ йиллар мобайнида ишламаётган темир йўл линияси фойдаланишга топширилди. Янги чегара пунктлари очилди. Қариндошлар ҳамда қўшнилар ўртасидаги алоқалар тинчлик ва барқарорликнинг муҳим омили бўлиб, ҳар икки томоннинг иқтисодий тараққиётини янада таъминлайди.



**Франсуа МАРК,**
**"Alex Cei" компанияси президенти (Франция):**

— Ривожланиш нуқтаи назаридан, Ўзбекистон ҳамда Тожикистон кўп жабҳаларда бир-бирларини тўлдиради. Душанбега амалга оширилган давлат ташрифи ва музокаралар икки мамлакат алоқаларида жиддий юксалиш бўлди. Президентлар учрашувининг натижалари ҳаётга татбиқ этилиши туфайли яқин келажакда биз жиддий ўзгаришларни кўрамиз. Мазкур дўстона ҳамда конструктив мулоқот нафақат икки давлат, балки минтақанинг бошқа мамлакатлари ва хорижий сармоядорлар учун ҳам қулай шарт-шароитлар яратади.

Европа иттифоқи ҳамда Европа мамлакатлари раҳбарияти Марказий Осиёнинг янги мавқеини ҳисобга олади, деб умид қиламиз. Бинобарин, минтақадаги вазият Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг жадал сиёсати натижасида ижобий ўзгаришларга юз тутмоқда.



**Артур ГАШЕНКО,**
**"Европа — Осиё — Медиа" журнали бош директори (Украина):**

— Ташриф нафақат икки мамлакат муносабатлари ва минтақадаги вазият учун тарихий воқеа, балки дунё ҳамжамияти учун ҳам беқиёс намуна бўлди. Тошкент ҳамда Душанбе мулоқоти кўп йиллик келишмовчиликларни, ҳатто қатор халқаро тузилмалар ва ташкилотларнинг имкониятларини жалб этиб ҳам уларни ечиб бўлмасдек кўринса-да, ҳал қилиш мумкинлигини кўрсатди. Учрашув якунида имзоланган келишувларнинг деярли барчасини тарихий аҳамиятга молик, дейиш мумкин.

Ўзбекистон ҳамда Тожикистон етакчилари энг қийин масалаларни ҳал этишнинг ягона йўли, бу — ўзаро ҳурмат, бир-бирининг манфаатларини ҳисобга олиш, ўз халқлари, минтақа мамлакатлари ва дунё олдидаги жавобгарликни ҳис қилишга асосланган бевосита мулоқотда эканлигини амалда исботлаб бердилар.

**Анвар МИРЗАЕВ («Халқ сўзи») тайёрлади.**

# Мирзо Улуғбек сув ичган пиёланинг сири нимада эди?



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Британия музейида 8 миллионтадан зиёд ашёлар жамланган бўлиб, ҳар йили бу ерга 7 миллион нафарга яқин кишилар ташриф буюради.

Аҳамиятлиси, музейда мамлакатимиз тарихига оид ўта ноёб экспонат — Мирзо Улуғбек сув ичган пиёла сақланади. Узунлиги 15 сантиметр бўлган пиёла юзига "Улуғбек Кўрагон" деб ёзилган. Пиёла яшил рангли нефрит тошдан ўта моҳирлик билан сайқалланган ҳолда ишланган. Унинг банди аждар шаклида бўлиб, оғзи пиёла учини тишлаган, оёқлари ерга тегиб туради. Пиёланинг оғиз тегар ери лаб шаклида бўлиб, унга "Карами Ҳаққа ниҳоят йўқдур (Аллоҳ таоло караминининг чеки йўқ)" деган ёзув битилган. Ўша вақтлар нефрит Мовароуннаҳрда ноёб тош саналган. Пиёланинг нефритдан ишланишининг сабаби, у чақмоқ уришидан сақлаган. Энг асосийси, нефритга солинган заҳар ўз таъсир кучини йўқотган. Натижада бундай пиёла эгалари ичимликни бехавотир ича олган.

Учрашувда юртимизнинг қадимий, бой тарихи, буюк аллома ҳамда мутафаккирларимизнинг бебаҳо илмий-маънавий мероси жаҳон тамаддунига беқиёс улуш қўшгани, бугун мамлакатимизда халқимизнинг чинакам ифтихори бўлган ана шу хазинани асраб-авайлаш, чуқур ўрганиш, унинг ноёб ғоя ва қадриятларини истифода этган ҳолда, келажак авлодга ҳам етказишга юксак эътибор қаратилаётгани алоҳида таъкидланди.

Йиғилишда сўз олган Британия музейи масъуллари Жонатан Табб, Ладан Акабарниа, Фаҳмида Сулаймон, Жон Уиллямс ушбу ҳамкорлик икки томон учун ҳам ғоят манфаатли эканини қайд этдилар.

— Менинг ҳаётимда Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон тарихини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга бўлган, — дейди Яқин Шарқ тўплами раҳбари Жонатан Табб. — "Амударё хазинаси" деб номланган экспонатлар музейимизнинг юраги, десам, хато бўлмайди. Айни пайтда унинг янги каталоги устида иш олиб бораяпмиз. Бунда ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан ҳамкорлик қилиш ниятидамиз.

Марказий Осиё маданий меросини тадқиқ этаётган яна бир олим Фаҳмида Сулаймон Ўзбекистоннинг бой маданияти ҳали ҳам дунёни ҳайратга солишга қодир эканини таъкидлаб, жумладан, шундай деди:

— Европа жамоатчилиги, айниқса, илмий доиралари "Ислом маданияти XIX асрга келиб ривожланишдан тўхтаган", деган фикрни ёқлайди. Марказий Осиё мамлакатлари, хусусан, Ўзбекистонга ташриф буюрган киши борки, бунинг аксини кўради.

Британия музейи мутахассислари Ўзбекистон тарихига оид экспонатларнинг ёзув-шарҳларини юртимиз олимлари билан биргаликда тайёрлайдиган бўлди.

Учрашувда томонлар ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришдан манфаатдор эканликларини изҳор этдилар. Музокаралар натижасида Британия музейи ходимларининг Ўзбекистонга сафарини ташкил этиш, ўзаро тажриба алмашишни йўлга қўйиш, музей фондида сақланаётган мамлакатимиз тарихига оид нодир экспонатларни тадқиқ қилиш, каталогларини яратиш, ўзбекистонлик мутахассисларнинг Британия музейида амалиёт ўташларини жорий этиш бўйича дастлабки келишувларга эришилди.

Британия музейи Мирзо Улуғбек фойдаланган нодир пиёланинг нусхасини Ўзбекистон буюртмаси бўйича тайёрлаб беришга ҳозир эканини маълум қилди. Шунингдек, Ўзбекистоннинг Буюк Британиядаги элчихонасида Британия музейи олимларининг мамлакатимиз музейшунослари билан онлайн маърузаларини йўлга қўйиш масаласи муҳокама этилди.

**О. ЛУТФУЛЛАЕВ**
**тайёрлади.**

# Олижаноб орзу-умидлар рўёби

Давлатимиз раҳбарининг "2018 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорини халқимиз, жумладан, биз, нуронийлар ҳам катта хурсандчилик билан қарши олдик. Хусусан, байрамнинг умумхалқ сайиллари шаклида ўтказилиши барчамизни беҳад қувонтирди.

Бу асрий анъаналаримиз ҳамда удумларимизга тўла мос келади. Негаки, олис ўтмишга назар ташлаганимизда ҳам халқимиз Наврўзни ҳамжиҳатликда нишонлагани, жойларда сайиллар ўтказилганини кўрамиз. Бу одамлар ўртасидаги меҳр-оқибатни мустаҳкамлашга хизмат қилган. Айниқса, кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олишдек эзгу амаллар, оммавий ҳашарларни амалга оширишда ушбу байрамнинг ўрни ҳамда аҳамияти катта.

Қарорда таъкидланганидек, киши ўзини табиатнинг ажралмас бир қисми деб ҳис этмоғи, она-заминни асраши, тинч ва фаровон ҳаётни қадрламоғи лозим. Ёшларни ҳам шунга даъват этиш мақсадга мувофиқ. Бунда биз, нуронийларнинг зиммасига катта масъулият тушади. Ана шуни ҳис қилган ҳолда, байрамга тайёргарлик ҳамда тарғибот ишлари қизғин кетаяпти. Хусусан, яқинда жамғармамиз қошидаги Хотира музейида мактаб ўқувчилари ўртасида иншолар танловини ўтказдик. Ўғил-қизларнинг баҳор, тинчлик, инсон хотираси мавзуида ёзган иншоларини ўқиб, очиғи, роҳатландик. Эл-юртга муносиб фарзандлар вояга етаётганидан ғурурландик.

Наврўз — яратиш, яшнатиш айёми. Бинобарин, давлатимиз раҳбари жорий йил 16 февраль куни вилоятимизга ташрифи мобайнида қатор ғоя ва лойиҳаларни амалга ошириш кераклигини таъкидлаганида, жуда хурсанд бўлдик.

## НАВРЎЗ шукуҳи

Оламга машҳур Етти пир — Баҳоуддин Нақшбанд, Абдухолиқ Ғиждувоний, Ориф Ревгарий, Али Ромитаний, Бобойи Самосий, Маҳмуд Фағнавий, Саййид Амир Кулол зиёратгоҳи нафақат юртдошларимиз, балки бутун дунё мусулмонлари учун табаррук масканлар ҳисобланади. Президентимиз ташаббуси билан бу мажмуалар қайта таъмирланиб, қўшимча бино ҳамда иншоотлар қурилади. Атрофи ободонлаштирилиб, меҳмонхона, чойхона, савдо мажмуалари, автотураргоҳлар барпо этилади.

Бундан ташқари, воҳада туризмни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ва саноатни юксалтириш, Бухоронинг эски шаҳар қисмида замонавий ҳамда тарихий жозибадорликни сақлаган ҳолда, тураржой ва иншоотлар бунёд қилишга оид кўрсатмалар жонажон юртимиз ободлигини таъминлайди.

Шундай экан, Наврўз айёми бу йил халқимизнинг олижаноб орзу-умидлари рўёби сифатида юртимиз тарихидан муносиб ўрин олади, деб ўйлаймиз.

**Юсуф ҚУРБОНОВ,**
**Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Бухоро вилояти бўлими фаоли, «Фидокорона хизматлари учун» ордени соҳиби.**

NBU
O'ZMILLIYBANK

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки**
мамлакатимиз аҳолиси ҳамда меҳмонларини яқинлашиб келаётган
**Наврўз айёми**
билан муборакбод этади
ва жисмоний шахслар учун миллий валютада муддатли янги омонатни таклиф қилади.

«Наврўз» муддатли омонати

- Омонатни сақлаш муддати — 3 ой.
- Йиллик фоиз ставкаси — 17%.
- Бошланғич бадал миқдори — 1 000 000 сўм.
- Маблағлар ҳам нақд пул кўринишида, ҳам пластик картадан қабул қилинади.
- Қўшимча бадаллар қабул қилинади.
- Омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб берилади, талаб қилиб олинмаган фоизлар капитализация қилинмайди ва талаб қилиб олингунча ҳисобварағига ўтказилади.
- Омонатга маблағларни қабул қилиш 2018 йил 31 майга қадар амалга оширилади.

*Жамғармаларининг бошқарилишини бизга ишониб топширганлар фаровонлиги учун ўзимизни масъул, деб ҳисоблаймиз!*

Қўшимча маълумотларни «Ўзмиллийбанк»нинг исталган бўлим/филиалларидан ёки **(0-371) 148-00-10** телефон рақами орқали олиш мумкин.

*Хизматлар лицензияланган.*
**www.nbu.uz**
227R/115

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

agroworld UZBEKISTAN

**2018 йил 14 — 16 март**
Тошкент шаҳри, «Ўзэкспомарказ» МКК 1, 2-павильонлар ва очиқ кўргазма майдони.

**AgroWorld Uzbekistan**
Ўзбекистондаги ЕТАКЧИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КЎРГАЗМАСИГА хуш келибсиз!
13-халқаро кўргазма

1-павильон
2-павильон

Дастлабки икки кун фақат соҳа мутахассислари таклиф этилади!

Ташкилотчи:
ITE
ITECA EXHIBITIONS
Тел.: (0-371) 205-18-18.
E-mail: agroworld@ite-uzbekistan.uz

Ҳомий: VETTERIA

ONLINE РЎЙХАТДАН ЎТИНГ
125A/770

ASAKA BANK

*Ҳурматли юртдошлар!*
*«Асака» банки янги турдаги истеъмол кредитини таклиф қилади.*

**«Асака» акциядорлик тижорат банки**
**Ўзбекистон бўйлаб сайёҳлик турларини сотиб олиш бўйича янги истеъмол кредити жорий этилганлигини эълон қилади.**




Истеъмол кредити Ўзбекистон Республикаси фуқароларига қуйидаги шартларда таклиф этилади:

1. Кредит мақсади — туризм соҳасида фаолият кўрсатиш бўйича лицензияга эга бўлган ташкилотлардан Ўзбекистон Республикаси бўйлаб сайёҳлик турларини сотиб олиш.
2. Кредит суммаси — 10 млн. сўмгача, бошланғич бадал тўловларисиз.
3. Кредит фоиз ставкаси — Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг амалдаги қайта молиялаштириш ставкаси доирасида.
4. Кредит муддати — 3 йилгача, қайтариш муддатини узайтириш ҳуқуқисиз.
5. Кредит таъминоти — учинчи шахснинг кафиллиги ва Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида тақиқланмаган бошқа таъминот турлари.

**Маълумот учун телефонлар:**

| Филиаллар | Код | Телефонлар |
|---|---|---|
| Қорақалпоғистон филиали | (0-361) | 226-72-72 |
| Бухоро вилояти филиали | (0-365) | 223-71-94 |
| Қашқадарё вилояти филиали | (0-375) | 221-17-03 |
| Наманган вилояти филиали | (0-369) | 227-89-23 |
| Сурхондарё вилояти филиали | (0-376) | 770-82-20 |
| Тошкент вилояти филиали | (0-371) | 120-84-04 |
| Тошкент шаҳар филиали | (0-371) | 120-83-67 |
| Андижон вилояти филиали | (0-374) | 223-60-44 |
| Жиззах вилояти филиали | (0-372) | 226-34-90 |
| Навоий вилояти филиали | (0-436) | 223-08-70 |
| Самарқанд вилояти филиали | (0-366) | 233-63-82 |
| Сирдарё вилояти филиали | (0-367) | 225-28-61 |
| Фарғона вилояти филиали | (0-373) | 244-90-64 |
| «Асака» банки бош офиси | (0-371) | 120-26-36 |

www.asakabank.uz
Хизматлар лицензияланган.
**«Асака» банки — сизнинг фаровон ҳаётингиз хизматида!**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ**

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

Танловда хорижий фирма ва ташкилотлар, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар (етказиб берувчилар), шунингдек, кичик бизнес субъектлари иштирок этиши мумкин.

**Танлов предмети:**
- 96 рақамли IP АТС;
- 4 дона 55 дюймли LED монитори;
- катта масштабли экран (LED).

**Таклифлар қабул қилишнинг охирги муддати — эълон чоп этилган санадан бошлаб 10 кун.**

**Танлов шартлари бўйича маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин: Ўзбекистон Республикаси, 100070, Тошкент шаҳри, Шота Руставели 1-берк кўчаси, 1-уй. Телефонлар: (0-371) 231-49-73, 256-39-88. Факс: (0-371) 281-43-74. E-mail: umts@mvd.uz**
187А/93

zea NS seme

**«ZAMIN EKO AGRO»**
корхонаси Нови-Сад дала ва полиз экинлари институтида (NS SEME) етиштирилган донли, мойли ва озуқа экинларининг серҳосил уруғларини таклиф этади:

**МАККАЖЎХОРИ УРУҒЛАРИ**
**КУНГАБОҚАР УРУҒЛАРИ**
**ХАШАКИ ЛАВЛАГИ ВА ҚАНД ЛАВЛАГИ УРУҒЛАРИ**
**СОРГО УРУҒИ**
**БЕДА УРУҒИ**

*Уруғлар синовлардан муваффақиятли ўтган ва сифат сертификатларига эга.*

**МУВАФФАҚИЯТ УРУҒЛАРИНИ ЭКИНГ!**

Мурожаат учун телефонлар: (+99897) 738-10-27, 755-02-55, 130-51-21, (+99894) 160-27-24. Факс: (0-371) 150-15-89.

www.zea.uz T.ME.AGROZAMIN

**«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 232-10-63.
E-mail: reklama@xs.uz

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 345. 139 974 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона (0-371) 233-52-55;*
*Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.
Навбатчи — З. Ашурова.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.15 Топширилди — 22.10 1 3 4 5 6